ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2026/ № 1. 1-2

Termiz – 2026

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro'yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 12.03.2026
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o'rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas'ul muharrir)
O'ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Zabita Mahammad qizi Teymurlu, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (Ozarbayjon)
Tarana Imomverdi qizi Xojieva, filologiya fanlari doktori, professor (Ozarbayjon),
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O'zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O'zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O'zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Murodqosim Abdiyev, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Normat Yo'ldoshev, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Baxtiyor Xolmuxamedov, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O'zbekiston)
Asqar Eshmo'minov, f.f.d., professor (O'zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Shoira Omonturdiyeva, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Alibek Omonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To'raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 12.03.2026
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Забита Магомед кызы Теймурлу, доктор философии по филологии, доцент (Азербайджан)
Тарана Имамверди гызы Хаджиева, доктор наук, профессор (Азербайджан)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мурадкасим Абдиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бахтиёр Холмухамедов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д. ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д. ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д. ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Шаира Амонтурдиева, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Алибек Омонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 12.03.2026
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV,
doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Zabita Magomed kyzy Teymurlu, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Azerbaijan)
Tarana Imamverdi gizi Khadzhieva, Doctor of Sciences, Professor (Azerbaijan)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muradkasim Abdiyev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Kholmukhamedov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, Doctor of Philosophy in Philology (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, Doctor of Philosophy in Philology (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Shoira Omonturdiyeva, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)
Alibek Omonturdiev, Doctor of Philosophy in Philology (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

PARDAYEV AZAMAT BAXRONOVICH
So‘zning lingvistik tabiati xususida 7

HAMIDOVA MUHAYYOXON OBIDOVNA
Shukur Xolmirzayev nasrida milliy mentalitetning badiiy talqini 11

ABDURAXMONOV XUDOYNAZAR ABDIRAYIMOVICH
Mavhum otlarning kognitiv-semantik va diskursiv xususiyatlari:
zamonaviy tilshunoslik yondashuvlari asosida tahlil 16

ASADOV TO‘LQIN HAMROYEVICH
Predmet-belgi ma’noli ayrim morfologik oraliq so‘zlarning qiyosiy-tarixiy tavsifi 22

G‘AYBULLAYEVA DILDORA FAYZULLA QIZI
O‘zbek tilidagi insonning fizik xususiyatlarini
ifodalovchi frazeonimlarning semantik-stilistik tahlili 26

NASHIROVA SHAXNOZA BURIYEVNA
Ikki tilli lug‘atlar: nazariy asoslar va tarixiy yondashuv 29

NORKUZIYEVA DILDORA
Til tizimiga kiritilgan zoonim va zoomorfizmlarning
qiyosiy tipologik tadqiqotlardagi tahlili 33

ERGASHEVA DILRABO ALLANAZAROVNA
Epitet – badiiy matnni obrazli ifodalovchi vosita 38

AVEZOVA GULNOZA KAMILOVNA
Komil Avazning nasriy asarlarida dialektizmlarning qo‘llanilishi
(«Sozanda» romani misolida) 41

AMONOVA ZAMIRA
Nemis va o‘zbek tillarida destruksiyani ifodalovchi
fe’llarning metaforik qo‘llanilishi 44

NE’MATOVA O‘G‘ILOY AKRAM QIZI
«Maxzan ul-asror” dostonining badiiy-tasviriy
vositalari va uslubiy xususiyatlari 53

TUROBOVA MATLUBA RAXMATULLAYEVNA
Sun’iy intellekt tizimlarida o‘zbek tili leksikografik bazasini
shakllantirishning innovatsion usullari 56

KO‘CHIYEVA SHABNAM ISOMIDDIN QIZI
Tilshunoslikda disleksiya va disgrafiyaning
neyrolingvistik va psixolingvistik tadqiqi masalalari 60

OZADOVA MA’MURA ERGASHEVNA
Xorazm xalq qo‘shiqlari tilidagi manglay leksemasining lingvokulturologik va
lingvopoetik xususiyatlariga doir 63

МУНДАРИЖА

ALLAQULOVA SADOQAT AXMAT QIZI
O‘zbek tilining umumiy izohli lug‘atlarida etnoleksemalar berilishining qiyosiy tahlili 65

O‘RAZOV ALISHER DONIYOROVICH
O‘zbek tilida leksemaning semantik tabiati 68

JUMAYEVA KUMUSH TURSUNALIYEVNA
O‘zbek tili o‘zlashma qatlam somatik lesemalarida leksik tipologiya 72

MURODQULOVA IRODA SHAROFIDDINOVNA
Semurg‘ obrazining lingvomadaniy talqini (o‘zbek xalq dostonlari misolida) 76

ADABIYOTSHUNOSLIK

АСРОРОВ АКБАР, БОЛТАЕВ МАРДОН
Шоҳона сатрлар соҳиби – Султон Убайдий 80

SAMATOV SHOMAT, XO‘JANOVA OZODA
Buyuk shoir xotirasiga munosib haykal 85

ABDULLAYEV RAMAZON
Composing tatabbu‘ poetry in the time of Mu‘izzī and after him 88

JEPBAROWA SAÝAT KURBANMIRATOWNA,
EGENMURADOV ARZUV ANNAMIRATOVICH
Magtymguly Pyragynyň döredijilik äleminde möwlana Lutfynyň edebi poetik täsiri 93

ABDUXALIQOVA HILOLA G‘ULOM QIZI
XVIII–XIX asrlar o‘zbek dostonlarida tasavvufiy talqinlar 97

PAYG‘AMOVA SHIRIN JAKBARALI QIZI
Analitik folklorizmlarning poetik xususiyatlari 100

JAVLIYEV POYONBEK SHAVKAT O‘G‘LI
Usmon Azim nasrida lirik ohang 103

FERUZA RASULOVNA RASHIDOVA
The depiction of internal monologue as a form of artistic psychologism
in the novels of the Bronte sisters 106

TA’LIM

MASHARIPOVA NARGIZA OTAXONOVNA,
BAXRAMOVA MALIKA MUZAFFAROVNA
Sun’iy intellektli o‘yin yordamida inglizcha so‘z boyligini oshirish
(o‘zbek madaniyati asosida) 109

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2026; 1-2
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ШОҲОНА САТРЛАР СОҲИБИ - СУЛТОН УБАЙДИЙ

Асроров Акбар, Болтаев Мардон,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети доцентлари

«У ўзи истаган кишиларга ҳикмат берур» Бақара сураси, 269 – оят.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида назарда тутилган, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган, «Ҳаракатлар стратегиясидан - тараққиёт стратегиси сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни, умуммиллий ҳаракатга айлантириш йўлида илм- фан, санъат ва адабиёт хизмат қиладиган манбалар тадбиғи ва тарғиби бизнинг маънавий-маърифий тараққиётимиз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Султон Убайдийнинг Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти қўлёзма фондида 8931 рақами билан сақланаётган «Масоил ус-салот» - ҳикмат, рубоий, таржеъбанд ва нома жанрларидан иборат девонининг филология фанлари номзоди, доцент Муҳаммад Ҳамзахон Абдуллаев томонидан табдил қилинган ва 2020-йилда «Мавароуннаҳр» нашриётида чоп этилган нусхаси ана шундай қараш ва мақсадларни ифода этиши билан алоҳида аҳамиятга молик ишлардан биридир. Бирнчидан, девон ислом динининг аҳли сунна вал жамоа масҳаби тариқатининг икки намояндаси Боҳавуддин Нақшбанд ҳамда Аҳмад Яссавийлар асоос солган Нақшбандия ва Яссавия мактаби таълимотини кенг ва тўлиқ тарғиб қилиш, издошлик орқали бу ғояларни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб кела олган, кейинги «Ҳикмат» жанрини янада токомилаштиришга ўз ҳиссасини қўша олган адиблардан бири шоҳ ва Султон Убайдий фаолияти, унинг шеърияти ва тақдири ҳақидадир. Иккинчидан, Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида марказлашган кучли давлатнинг пойтахти Самарқанд бўлиб, унинг ўғли Шоҳруҳмирзо бу давлатни шартли тарзда икки - Хуросон ва Моваруннаҳр давлатларига ажратган эди. Натижада, Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳрининг сиёсий ва илмий-маданий марказ сифатидаги мавқеи янада ошиб борди. Бундай мавқенинг юзага келишида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. XVII аср бошларига келиб эса, таназзулга юз тутган темурийлар давлати ўрнига ўзбек уруғларидан Муҳаммад Шайбоний (1451–1510) бошлиқ шайбонийлар сулоласи юзага келди. Шайбонийзодалардан бўлган Убайдуллохон даврида эса Шайбонийларнинг Туркистондаги мавқеи янада ошди, адабиёт-санъат ривожланди. Убайдуллохон тахтга ўтиргач ўз атрофида ўзига хос бир адабий муҳит (марказ) яратишга ҳаракат қилди. Натижада, бу давр ижтимоий-маданий ҳамда сиёсий ҳаётида шайбонийларнинг раҳбарлик даври хусусан, Убайдуллохон даври алоҳида аҳамият касб этишини мунаққид тўғри кўрсата олинганлигидадир.

XVI-XIX асрлар мумтоз адабиётимизда ҳанузгача ижодлари етарли ўрганилмаган, илмий жараёнга тортилмаган қатор адиблар мавжуд бўлиб, шулардан бири бевосита Шайбонийхоннинг ўзи бўлса, иккинчиси шайбонийлар сулоласига тегишли бўлган адиб, шоҳ ва саркарда Убайдирдир. Адибнинг тўлиқ номини тарихчилар Убайдуллохон ибн Маҳмуд Султон ибн Будоғ Султон ибн Абулхайрхон деб қайд этганлар. Абулхайрхоннинг Будоғ Султон номли ўғли бўлиб, ундан икки фарзанд дунёга келган. Биринчиси – Муҳаммад Шайбонийхон, иккинчиси еса Маҳмудхон. Дашти қипчоқда туғилган Маҳмудхон (ҳ. 858- м. 1452) бобоси Абулхайрхон қўлида тарбия топган.Убайдуллохон ана шу Султоннинг фарзанди бўлиб, у 1487 йилда (ҳ. 892.) таваллуд топган. Убайдуллохон таваллуд топганда, отаси Маҳмуд Султон тариқат пири ва устоди Убайдуллоҳ Хожа Аҳрори Валийдан фарзандига исм қўйиб беришни илтимос қилади. Хожа Маҳмуд Султонга илтифот қилиб, ўз исмларини чақалоққа берадилар. У ўз даврининг енг етук пир-у муршидларидан таълим ва тарбия олади ва араб ва форс тилларини мукаммал ўзлаштиради. Тасаввуф бўйича дастлабки сабоқни отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозидан олган. Убайдуллахонга ўз даврининг машҳур уламолари Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон, Махдуми Аъзам, Мавлоно Муҳаммад Азизон, Мавлоно Хожа

Муҳаммад Садр ва бошқалар устозлик қилганлар. Хусусан, унга давлат арбоби ва саркарда амир Абдулла Яманий (Бухорода Мир Араб номи билан машҳур бўлган шахс) ҳарбий санъатдан сабоқ берган.Убайдий ҳақида Мирзо Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида унинг илм-фанда етишган камолотини таърифлаб шундай деган эди: «У ёшлигидан барча фазилатлар билан безанган. Шу боис ҳам у 7 хил ҳусни хатда қалам юритар, айниқса, насх хатини ҳаммадан яхши ёзарди. «Каломуллоҳ»дан бир нусха кўчириб, Ҳарамайни Шарифайн (Макка ва Мадина)га жўнатган эди. Мусиқа илмида ва ашулада моҳир эди».

«Нафоис ул-маосир» асарида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Илми ҳадисда Убайдуллахон ҳазрати Хожа Муллойи Исфаҳонийнинг шогирдидир ва фиқҳда Мавлоно Маҳмуд Азизоннинг шогирдиким, Мовароуннаҳрда уламоларнинг машҳурларидан турур. Илми қироатни Мавлоно Ёрмуҳаммад Қорининг хизматларида ўтказган. Ул фанда (Тажвид илми - А.А.) бир таълиф кўргиздиким, тамоми қориларнинг тилини хатодин сақлар эрди. Муаммони яхши билур эрди»[1].Жумладан,

Мени Ҳақ қори Қуръон қилибтур,
Жамолига мани ҳайрон қилибдур.
Илмлар бериб ўтлуқ ўлордин,
Тасаввуф мулкида султон қилибдур.

Отаси Маҳмуд Султон Қундузга ҳокими бўлиб турган (1504-1505) вақтларида вафот етади. Натижада Шайбонийхон 18 ёшли Убайдуллохонни Бухоро тахтига ҳукмдор етиб тайинлайди. Унинг тахтга чиқишини кўпчилик, хусусан илм-фан ва адабиёт намояндалари катта умид ва хурсандчилик билан қарши оладиларки, бу ҳол ўша давр тарихчилари бўлган Мир Муҳаммад Мунший («Муъиниддин Убайдулло ибн Маҳмуд Шайбоний») ҳамда Мирзо Ҳайдарнинг («Тарихи Рашидий») асарларида яққол кўзга ташланади: «У (Убайдуллохон) ҳамма яхши хислатларни ўзида мужассамлаштирган подшоҳ эрди... У хизмат қилиб турган Бухоро халқининг яхши ва фозиллиги, фаровонлиги жиҳатидан Ҳиротни ва Ҳусайн Мирзо замонини эслатади»[2]-дея Убайдуллохонга катта баҳо билдирилганлигини кўрамиз. Бу ҳол ўз навбатида Бухородан Ҳиротнинг ҳиди, Ҳусайн Байқаронинг табиати намоён бўлаётганлигига ишора эди, холос. Бу ҳақида Зайниддин Восифий ёзади:» Ул ҳазратнинг одати шу ердики, ҳар куни бир шеърни ўртага ташлаб,унга татаббуъ ва жавоб ёзишга шоирларни ундар эдилар.Дердиларки,таъбни бекорга ўтказманглар,уни машғул қилмоқ лозим.Сустлик таъбнинг бўшашига сабаб бўлади ва зеҳнни ўтмаслаштиради».

Убайдуллохон Бухоро тахтида ўтирган йили Шайбонийхон Хоразмга юриш бошлайди. У ҳам амакисининг ёнида иштирок этиб, Хоразмни эгаллаш учун олиб борилган жангларда жасур, тадбиркор ва моҳир саркарда сифатида ўзлигини намоён етади. Умуман, Убайдуллохоннинг кучли ҳарбий салоҳиятга ега, шижоатли саркарда еканлиги тарихий китобларда махсус қайд етилган. «Тарихи Муқимхоний»да у «Адолат шевасида ягона, жанг жабҳасида бағоят фарзона еди»[3]– дейилган. «Тарихи Шайбонийхоний», «Тарихи Рашидий», «Тарихи Роқимий», «Зубдат ул-асрор» сингари асарларда ифодаланган бир қанча ҳарбий воқеалар бу баҳонинг тўғри еканлигини тасдиқлайди.

Убайдуллохон амакиси билан фақат ҳарбий юришларда эмас, балки Шайбонийхон томонидан ўтказилган илмий, адабий йиғилишларда ҳам бевосита иштирок етиб, ундан ўрнак олишга интилган. Шу сабабли ҳам унинг «давр султонлари ичида фазилат ва камолотда ягона»лиги эслганда ҳурмат билан Шайбонийхон номи билан Убайдуллохоннинг номи баробар тилга олинган.

Адабиётшунос олим Муҳаммад Ҳамзахон Абдуллаев Тарихий хотираларни варақлар экан, Муҳаммад Шайбонийхон номи, аввало, темурийлар салтанатига барҳам бериб, Мовароуннаҳрда янги сулолага асос солган саркарда ва жангчи сифатида муҳрланганлигини, бироқ унинг шахсияти ҳақида у билан даврдош ва суҳбатдош бўлган адиблар, жумладан Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг «Меҳмонномайи Бухоро» асари Шайбонийхоннинг жаҳонгирлиги ортида яширинган мутлақо бошқа қиррани – даврнинг энг ўткир ақл эгалари билан илмий баҳсларга кириша оладиган донишманд, ҳукмдор ва саркарда-янги бир даилат асосчиси турганлигини далолатлаб беради. Асарда қайд этилишича, Шайбонийхоннинг саройи фақатгина ҳарбий кенгашлар ўтказиладиган маскан бўлмаган. У мунтазам равишда ўз даврининг энг йирик уламолари, ҳуқуқшунослари ва файласуфларини тўплаб, мураккаб масалалар юзасидан илмий мунозаралар уюштирган. Бу баҳс ва суҳбатлар эрмак учун эмас, балки давлат бошқарувининг муҳим бир қисмини баҳолаш, бошқариш ҳамда қарорлар қабул қилишда катта аҳамият касб этган.

Убайдуллохон даврига келиб илмий мажлис-

[1] Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв.№878,104 а варақ.
[2] Мирзо Ҳайдар.Тарихи Рашидий.ЎзФА ШИ қўлёзмаси,инв.№4538,94 а варақ. Муҳаммад Юсуф Мунший."Тарихи Муқимхоний ". ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 7280, 110-а варақ.
[3] Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхоний ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 7280, 110-а варақ.

лар фақат диний-ҳуқуқий мавзулар билан эмас балким, фалсафий, адабий ва ҳатто тарих бўйича ҳам қизғин муҳокамалар бўлиб ўтган.Убайдуллохоннинг бу фазилати аввало Шайбонийхонга хос анъаналарни давом эттириш бўлса, иккинчидан унинг бу фазилатлари темурий ҳукмдорлар давомчиси эканини, яъни ҳарбий қудратни юксак маданият ва илм ҳомийлиги билан уйғунлаштира олган ҳукмдор бўлганини тасдиқлайди. Шунга кўра Шайбонийхон ва Убайдуллохонлар бизга нафақат енгилмас саркардалар, балки ўз давлатининг маънавий-мафкуравий пойдеворини ҳам шахсан ўзлари қурган, илм аҳли билан баҳслашишдан чўчимайдиган, қарорларини ақл ва билим тарозусига солиб кўрадиган теран фикрли давлат арбоблари эканлигини кўрсатади. Бу эса уларнинг ўзбек давлатчилиги тарихи, маърифат ва маданият майдонидаги ўрни нақадар кўп қиррали эканлига яна бир ишорадир.[1]

Убайдуллохоннинг адолат-у саховати, биринчи навбатда, дин равнақи, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, илм-фан, санъат, адабиёт ривожига ва шу соҳа кишиларининг тақдирига жиддий еътибор қилганлигида эди. Шу маънода «Музаккир ул-асъҳоб»даги айрим далилларга еътиборни тортиш мақсадга мувофиқдир. Унда ёзилишича, Мавлоно Сурудий Убайдуллохоннинг воқеанависи бўлган. У айни пайтда жуда моҳир ҳаттот ҳам бўлган. Иморат пештоқларида ундан ўтказиб китоблар битадиган киши бўлмаган. Туркий ва форсий тилларда яхши шеърлар битган. «Мансаб тақозосига кўра Хон ҳузурига кириб тураркан. Буни кўролмаган ичиқоралар Хонга арз қилиб, уни Хон ҳарамига яқин жойга кириб чиқиши муносиб емас, дейдилар. Шу сабабли Мавлоно иш юзасидан Хон олдига кириш пайтида кўп кутиб қоладиган бўлибди ва бу шеърни ёзиб унга етказибди. Рубоий:

Хизмат қилайин деб кечалар қолурмен,
Хизматда ўзимни илгари солурмен.
Бу турфаки, мутоб шогирдидек,
Турғон сайин олдингда қийин борурмен[2].

Убайдий дарвештаб шоҳ ва шоир бўлганлиги учун «Султонлар суҳбати ва хизматига рўйхушлик» бермайдиган зуҳд ва тариқат аҳллари ҳам унга ееътиқод қўйганлар. Мазкур манбада баён етилишича, Муҳаммад Амин Зоҳид номли «Зуҳд мақомида нодири замон» бўлган шайх ва олим султонлардан фақат Убайдуллахонга эътиқод боғлаган.

Эътиборли томони шундаки, Шайх Мавлоно Муҳаммад Амин Зоҳидга сарой аёнларининг пинҳона душманликлари натижасида Шайх Хуросон томон сафарга чиқишга мажбур бўлади, аммо Сурхондарё вилоятидаги Вахшивор қишлоғига етганда вафот етади. Убайдуллохоннинг замондошлари еътироф етганидек, адолат ила олиб борган сиёсати, бебаҳо адабий меросидаги илоҳий ишқ, ватанга бўлган садоқат, инсонийлик, ҳикмат ва жасурлик шартлари хусусидаги ўгитлари XVI асрда қанчалик муҳим бўлган бўлса, уларнинг аҳамияти бугунги кун ёш авлодлар тарбияси учун ҳам шунчалик муҳим саналади.

Тарихий манбаълардан маълумки, XVII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр илмий-адабий доирасининг шаклланиши бевосита Убайдуллахон номи билан боғлиқ. Убайдуллахоннинг ўзи Убайдий адабий тахаллуси билан туркий, форсий ва араб тилларида шеърлар ёзган. Унинг шеърлар тўплами бизгача етиб келган. Туркий девонида 310 дан ортиқ ғазал, 428 рубоий, 18 маснавий, 11 туюқ, 7 муаммо, 25 қитъа ва 2 та ёрёр мавжудлиги проф... мақолаларида кўрсаатиб ўтилган[3]. Форсча девонда 163 ғазал, 418 рубоий, 7 та қитъа, 1 та фард, 1 та маснавий, 1 та таржиъбанд, 3 та муаммо бор. Унинг араб тилидаги мероси 35 га яқин ғазалдан иборат.

Убайдуллахон «Сабрнома», «Омонатнома», «Шавқнома» ва «Ғайратнома» сингари дидактик шеърларнинг муаллифи ҳамдир. У туркий тилда Қуръонга шарҳ ёзган дастлабки кишилардан бири, Бухорода миниатюраси асосида ўзига хос Бухоро услубида яратилган биринчи китобхона асосчиси. Девон мазмун ва моҳияти шуни кўрсатадики, Убайдуллохон ижодида биринчидан диний-тасаввуфий ғоялар устунлик қилган бўлса, иккинчидан ўзбек ва тожик тилида яратилган 850 га яқин мукаммал рубоийларнинг яратилиши Убайдуллохонинг XVI - XYII асрлар ўзбек мумтоз адабиётида рубоийшунослик санъатининг ривожланишини бевосита унинг номи билан боғлиқ, – дейди адабиётшунос олим ф.ф.доктори проф. Ж.Очилов.

Убайдуллохон девонини таҳлил қилган олим Ҳ.А.Абдуллаев ўз қарашларида Убайдий ўзбек мумтоз адабиётида мавжуд барча жанрларида, хусусан ҳикмат жанрида алоҳида муҳаббат билан қалам тебратган адиблардан бўлиб, унинг ҳикматлари Қуръон, ҳадис, нубуват, маърифати ҳақойиқи мавжудот, Оллоҳга итоат, ботилдан узоқлашмоқ ва ниҳоят илми ладуний ҳам деб

[1] Қилич ва қалам.Шайбонийхон саройидаги илмий мунозаралар // "Жамият" журнали.14:58/21/10/2025. ЎзА. Алишер Эгамбердиев.17.03.2021 й.

[2] Убайдий девони. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931, 529-бет.

[3] Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 878, 104-б варақ.

шарҳланиб келинганлиги алоҳида қайд этиб ўтади. Ҳамда Убайдий девонининг кириш қисмида девонининг шакл ва мазмун хусусиятлари комплекс тарзда таҳлил қилади. Шаклий жиҳатдан асарда қўлланилган назм шакллари, аруз вазнлари ва қофия тизими кўриб чиқилиб, мазмуний жиҳатдан шеърлар Аллоҳ, Яратилганлар ва Дин мавзулари доирасида таснифланади. Шунингдек, девонда ҳар бир ҳарф билан ёзилган мураккаб ва ноанъанавий ҳикматлар аввалида муножот ва наът келтирилиши ҳолати Убайдий ижодий меросининг қамрови нечоғлик кенг эканлигини кўрсатибгина қолмай, балким XVII аср девон яратишлик анъаналаридаги ўрнини янада ойдинлаштиради.

Ҳикмат мустақил шеърий жанр сифатида - Қуръони карим ва Пайғамбар с.а.в. ҳадислари асносида юзага келганлиги илмий манбалардан маълум. Қайд этиш жоизки, Туркий адабиётда ҳикматлари билан машҳур бўлган адиблардан бири Аҳмад Яссавий бўлса, иккинчиси ул кишининг шогирди Сулаймон Боқирғонийдир. Муҳаммад Ҳамзахон Абдуллаев томонидан нашр этилган Убайдий ҳикматлари мутаоллоси мумтоз адабиётимизда яна бир буюк ҳикмат намояндаси борлигидан далолат беради. Зероки, Убайдуллохон ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ҳикматларидаги ўгитлардан керакли хулосалар чиқаришимизга, улкан сабоқлар олишимизга сабаб бўлди. Девонда келтирилган ҳикматларга назар ташлар эканмиз, ўзимизнинг қанчалик Қуръони карим ва Ҳадиси шариф мутаоллосидан узоқлашганимизни яна бир англагандек бўлдик. Шундай бўлса-да, аввал Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларидан олган сабоқ ва илҳомимизни эсладик:

Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,
Инонмағил молинга, бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она қариндош қаён кетти, фикр қил
Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун сенга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,

Киши молини емаслик, сирот узра тутаро - тўғри умр ва молу давлатнинг ўткинчилиги ҳақидаги ушбу ҳикмат ҳар томонлама бизнинг руҳиятимизга англаган ҳақиқатимизни янада яқинроқ англашимиз ва тафаккур қилишимизга даъват қилади. Бундан таъсирланган Убайдий эса ўз ҳикматида: (13-ҳикмат М.А.)

Кўч елдек,ей рафиқ,олам барча кўчаро,
Кўзни юмиб очқунча азиз умринг ўтаро...
Давлатинга таёнма, ганж-у молга инонма,
Ҳам барчаға ишонма, бари сандин кетаро.

Мазкур ҳикмат ўн икки байтли бўлиб, унда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тўлиқ оҳанги такрорланиб тургандай, аммо Убайдий ўз ҳикматида «Давлатинга таёнма, ганж-у молга инонма» дея ибрат маъносини кучайтириб боради. Натижада ҳикмат давомида Ҳақ ҳузуридаги жавобгарлик шоҳ-у гадога ҳам тенг дейди-ю, яна жавобгарлик масаласида шоҳнинг зиммасидаги масъулият юкига эътиборни қаратади. Анъанавий тарзда Убайдий ҳикматларининг мавзуси илоҳий ишқ сирларини баёни ва ишқ аҳлига панду насиҳатлар тарзида ёзилган бўлса:

Муҳаббатнинг шаробидан ичгон киши,
Саккиз учмоқ шаробини кўзга олмас.

Ёки:

Ҳақ васлига ким етгай, арода ишқ бўлмаса,
Ғайрни ким тарк этгай арода ишқ бўлмаса.
Зокир ёдини этмас, ошиқ муродга етмас,
Жаҳонда битмас ҳич бир иш арода ишқ бўлмаса. – 11 ҳикмат.

Ҳикматда илоҳий ишқ Ҳусни мутлақка эришиш йўли эканлигини таъкидлаш орқали «Кўнгил мунаввар бўлиши, маъшуқ васлининг ҳосил бўлишининг асоси ишқ», – дея ўз орзуларини ифода эта этади.

Убайдий ҳикматлари орасида ўзбек шеъриятида кам учрайдиган ҳодиса яъни арабий ҳарфлар ифодаси орқали ўз фикрларини ифодалаш олий бир мақомда амалга оширилганлигини кўрамиз. Бу ҳол Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб ижодларда учрасада, аммо кам ишлатиладиган шеърий санъат туридир:

А - *Аллоҳ ёдин қилур тузлук билан,*
Б - *Бисмиллоҳ, зикр этолинг, келинг дўстлар,*
Т - *Таввобун, Ҳаким айтур, тавба қилинг,*
С - *Савоб фикрин мунда этинг, дўстлар...*
З - *Зоҳиру ботинингни мувофиқ қил,*
И - *Ишқу ошиқликнинг сиррини бил.*
Ҳ - *Ғофур ғуфронидин умид туткил,*
Ф - *Фақр аҳли мақомига ўтинг, дўстлар....*

Убайдий ўз ҳикматларида сўфийлик йўлига кириш, орифлик, фақирлик даражалари тўғрисида фикр юритиб, бу ҳикматлар жанрида ёзиладиган шеърларнинг ўзига хос белгилари эканлгини таъкидлагандай бўлади:

Ишқ аро ошиқ ҳамеша волаи ҳайрон керак,
Сўзи сўзон, бағри бирён, кўзлари гирён керак.

Убайдийнинг фикрига кўра ҳикматнависликнинг бош ҳикмати ҳикматлар хазинасидан «Маъни гуллари»ни теришдир. Шунинг учун ҳам ҳикмат яратишда Луқмони Ҳакимдан ибрат олади:

Деди ҳикмат аҳлига Луқмони Хаким, эй дўстлар:
Тўрт минг ҳикмат манга берди, карам айлаб Худо.

Сайлаб олдим турт минг ҳикмат орасидин дағи,

Тўрт юз ҳикматни танлаб, хуш кўриб, эй мужтабо.

Яна андин тўрт ҳикматни айирдим хушлабон,

Асру хуш келган учун ҳикматлар ичра ул манго.

Шоирнинг фикрига кўра Луқмони Ҳаким тўрт ҳикматдан иккисини унитиб, иккисини ажратиб олади. Худо ва ўлимни унитмайди. Унитилганлардан бири яхшилик бўлса, иккинчиси бошқалардан етган жавру-ситам. Убайдий унитиладиган ва сира унитиш мумкин бўлмаган шу тўрт ҳикматда ўзини Луқмони Ҳаким билан маслакдош деб билади.

Хуллас, адабиётшунос олим Муҳаммад Ҳамзахон Абдуллаев Тарихий хотираларни варақлар экан, Убайдуллохоннинг замондошлари эътироф этганидек, унинг адолат ила олиб борган сиёсати, бебаҳо адабий меросидаги илоҳий ишқ, ватанга бўлган садоқат, инсонийлик, ҳикмат ва жасурлик шартлари хусусидаги ўгитлари ўз даври учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, уларнинг аҳамияти келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларимизнинг энг гўзал фазилатларни ўзида мужассам этган баркамол инсон бўлиши ҳамда маънавий-маърифий илм нурлари билан безанишларига яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

Rezyume: Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида марказлашган кучли давлатнинг пойтахти Самарқанд бўлиб, унинг ўғли Шоҳруҳмирзо бу давлатни шартли тарзда икки – Хуросон ва Мовароуннаҳр давлатларига ажратди. Натижада, Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳрининг сиёсий ва илмий-маданий марказ сифатидаги мавқеи ошиб борди. Бундай мавқенинг юзага келишида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўрни алоҳида аҳамиятга ега бўлди. XVI аср бошларига келиб еса, таназзулга юз тутган темурийлар давлати ўрнига ўзбек уруғларидан Муҳаммад Шайбоний (1451–1510) бошлиқ шайбонийлар сулоласи юзага келди. Шайбонийзодалардан бўлган Убайдуллохон даврига келиб Шайбонийларнинг Туркистондаги мавқеи янада ошди, адабиёт-санъат ривожланди.Убайдуллохон атрофида ўзига хос адабий марказ яратилди.

Resume. During the reign of Sahibkiran Amir Temur, the capital of a strong centralized state was Samarkand, and his son Shahrukh Mirza conditionally divided this state into two states – Khorasan and Transoxiana. As a result, the status of Herat, the capital of Khorasan, as a political and scientific-cultural center increased. Husayn Bayqara and Alisher Navoi played a special role in the emergence of such a position. At the beginning of the 16th century, the declining Timurid state was replaced by the Shaybanid dynasty, headed by Muhammad Shaybani (1451-1510). During the reign of Ubaydullah Khan, a descendant of the Shaybanids, the influence of the Shaybanids in Turkestan increased, and literature and art developed. A unique literary center was created around Ubaydullah Khan.

Резюме. В период правления Сахибкирана Амира Темура столицей сильного централизованного государства был Самарканд, и его сын Шахрухмирза условно разделил это государство на два государства – Хорасан и Мавераннахр. В результате повысился статус столицы Хорасана Герата как политического и научно-культурного центра. Особое значение в возникновении такого статуса имели Хусейн Байкара и Алишер Навои. К началу XVI века на месте упадка государства Тимуридов возникла династия Шейбанидов во главе с Мухаммадом Шейбани (1451-1510) из узбекских племен. Во времена правления Убайдуллахана, одного из потомков Шейбанидов, влияние Шейбанидов в Туркестане еще больше возросло, и литература и искусство получили дальнейшее развитие.